

**ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ТЕЗ ВА ТЎЛА ОЧИШДА СЎРОҚ ҚИЛИШ ТЕРГОВ
ҲАРАКАТИНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ТАКТИКАСИ****Боходиров Сарварбек Зафаржон ўғли***Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси
магистратура босқичи “Тергов фаолияти” йўналиши тингловчиси*

Аннотация: *Мазкур мақолада жиноят ишларини тез ва тўла очишда сўроқ қилиш тергов ҳаракатининг аҳамияти уни ўтказишнинг криминалистик тактикаси ҳақида батафсил муҳокама қилинади. Сўроқ қилиш тактикаси ва унга тайёргарлик кўриш босқичлари унинг криминалистик тактикадаги ўрни мазкур тергов ҳаракатининг натижаларини расмийлаштириш тартиблари таҳлил қилинган.*

Калит сўзлар: *криминалистик тактика, сўроқ қилиш, психологик алоқа, тергов ҳаракати, расмийлаштириш.*

Annotation: *This article discusses in detail the importance of the investigative act of questioning in the rapid and comprehensive investigation of criminal cases, as well as the criminalistic tactics of interrogation and the stages of preparation for it, its place in criminalistic tactics, the procedures for formalizing the results of this investigation are analyzed.*

Key words: *Criminalistic tactics, investigation, psychological connection, investigative action, formalization.*

Давлат мустақиллигининг кўлга киритилиши ва асосий қонунимиз — Конституциянинг қабул қилинишидан буён мамлакатимизда муҳим тарихий ислохотлар амалга оширилди. Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида жаҳон саҳнасига дадил кириб бормоқда. Мамлакатимизда мулкчилик шакллари равожлантириш, бозор муносабатларини шакллантириш, фуқароларнинг тенг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берувчи ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш каби муҳим вазифалар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Жиноятни очиш — бу жиноят аломатларига эга бўлган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик, ҳодисаларни, яъни жиноят қонунчилигига мувофиқ жиноят деб таърифланадиган (ҳисобланадиган) ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ва ҳодисаларни ошкор қилишни топиш, аниқлаш, белгилаш ва шу қабиларни аниқлаш⁴⁵.

Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўналишида ҳаётдан жиноятчиликни умуман сиқиб чиқаришнинг принципиал шартларидан бири ҳар қандай жиноятни тез ва тўлиқ очиш ҳамда содир этилган жиноий қилмиш учун айбдорга нисбатан қонунда белгиланган жазо чораларининг муқаррарлигини таъминлашдир. Жиноятларни тез ва тўлиқ очиш фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш кафолати ҳисобланади.

⁴⁵ Рустамбоев М.Х, Никифорова Е.Н "Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари" Дарслик Тошкент 2005 йил

Айтиш жоизки, содир этилган жиноятларни ўз вақтида тез ва тўла очиш уларни тергов қилиш масаласи жиноят процессининг энг муҳим ва долзарб масалаларидан биридир.

Натижалар ва уларнинг муҳокамаси.

Содир бўлган жиноятни тўла ва қонуний қилиб очиш, жиноят содир қилган шахснинг айбини одилона исботлаб бериш учун жиноят-процессуал қонуни асосида иш олиб бориш лозим. Хар бир жиноят иши юзасидан ўтказиладиган тергов ҳаракатлари суриштирувчи ва терговчилардан махсус билим ва кўникмалар психологоик тайёргарлик ва алоҳида тактик ёндашувни талаб қилади.

Жиноят ишларини тез ва тўла очишда сўроқ қилиш тергов ҳаракати криминалистик тактиканинг энг муҳим таркибий элементаларидан бўлган тергов ҳаракатларидан бири ҳисобланади.

Криминалистик тактика – бу криминалистиканинг терговни ташкил этиш ва режалаштириш, уни амалга оширувчи шахслар хатти-ҳаракатларининг оптимал услубини жиноят процесси бошқа иштирокчиларининг ҳуқуқлари, манфаатлари ва мажбуриятларини ЎзР ЖПК талабларига қатъий мувофиқ равишда белгилаш ва амалга ошириш назарий қоидалари ва бу ҳусусда амалий тавсиялар тизимидан иборат бўлими”⁴⁶ ҳисобланади.

Тактика тушунчаси тергов ва суриштирув фаолиятини олиб бораётган шахслар фаолиятига нисбатан биринчи маротаба XIX аср охирида немис олими А.Вейнгардт томонидан қўлланилган. “Тактика” грекча “taktika” – қўшинларни сафга тизиш маҳорати маъносини англатади.

Н.Н.Егоров ва Е.П.Ищенколарнинг фикрича криминалистик тактика жиноятларни тез ва тўла очишда тергов ҳаракатларининг бир бутун тизими бўлиб, жиноятларни очиш юзасидан тавсиялар, алоҳида тергов ҳаракатларини ўтказиш тартиби, исботлаш воситаларидан фойдаланиш, жиноятларни очиш ва тергов қилиш ҳисобланади⁴⁷.

Умуман олганда тактика тергов ҳаракатларини энг оқилона ва самарали ташкил этиш бўлиб ҳисобланади.

Содир этилган хар қандай жиноятларни тез ва тўла очиш айбдор шахсларни аниқлаш, уларни содир этиган жиноий ходисига алоқадор ёки алоқадор эмаслигини аниқлашда тергов ҳаракатларининг энг муҳим ва самарали воситалардан бири сўроқ қилиш ҳисобланади.

Сўроқ қилиш пайдо бўлишига кўра энг биринчи ва қўлланилиши жиҳатидан айниқса кенг тарқалган тергов ҳаракати. Унинг моҳияти сўроқ қилинаётган шахсдан тергов қилинаётган жиноят иши бўйича аниқланиши ва исботланиши лозим бўлган ҳолатлар тўғрисида кўрсатувлар олишдан иборат. Уни самарали ўтказиш учун сўроқ қилинувчилар психологиясини яхши тушуниш, улар билан ишончли муносабатлар

⁴⁶ А.К. Закурлаев И.Р.Астанов, Д.Базарова ва б.қ. Криминалистика. Дарслик.– Тошкент: ТДЮУ, 2015. – 300 б. Тошкент – 2015

⁴⁷ Н.Н.Егоров ва Е.П.Ищенко Криминалистика Част 1 Москва Юрайт 2019 год

ўрната олиш, юзага келган вазият, сўроқ қилинувчининг шахси ва процессуал мақоми, ишда мавжуд далилларни ҳисобга олган ҳолда тактик усуллар ва психологик таъсир кўрсатиш методларини қўллаш билиш зарур⁴⁸.

Сўроқ қилиш тергов ҳаракати суриштирувчи ва терговчи билан жиноий воқеа ҳақида маълумот берувчи шахс ўртасидаги ўзаро мулоқотдир. Сўроқ қилишнинг умумий вазифаси– сўроқ қилинаётган шахсларнинг ҳар биридан тергов қилинаётган жиноят ҳолатлари ва уни содир этишда айбдор шахслар тўғрисида унга маълум бўлган барча ҳаққоний маълумотларни олиш ҳисобланади.

Сўроқ қилиш тергов ҳаракати мавжуд далилларни текшириш ва янгиларини олишнинг жуда самарали воситасидир. Сўроқ қилиш тергов ҳаракатини ўтказишнинг ҳуқуқий асослари ва ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 96-124 моддаларида белгилаб қўйилган.

О.Я.Баевнинг фикрича, сўроқ анча мураккаб тергов ҳаракати ҳисобланади. Бу ҳақиқатни сўроқ қилинган шахс ҳаққоний гувоҳлик беришни зарур деб ҳисобламаслиги билан изоҳлаш мумкин. Бундан ташқари, сўроқ қилиш тергов ҳаракати давомида терговчи томонидан сўроқ қилинаётган шахснинг кўрсатувларида ўйлаб топилган ва алоҳида ўтказиб юборилган хатоларни ажрата олиш муҳим ҳисобланади.⁴⁹

Н.Н.Егоров ва Е.П.Ищенколарнинг фикрича сўроқ бу процессуал ҳаракат бўлиб жиноят процессуал қонунчиликда белгиланган тартибда муайян маълумотга эга бўлган шахсдан, жиноят ишини тергов қилиш давомида криминалистик воситаларни ва мажбурловни қўллаш орқали ушбу маълумотларга эга бўлиш ҳисобланади⁵⁰.

И.В.Александровнинг табири билан айтганда сўроқ бу тергов ҳаракати бўлиб, жиноят ишини тўғри ҳал қилиш учун гувоҳларнинг, жабрланувчининг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, экспертларнинг кўрсатмаларига эга бўлиш ва қайд этишдан иборат⁵¹.

Сўроқ қилиш тактикаси ушбу ҳаракатни амалга ошираётган терговчи учун қандай ахборот олиш кераклигини аниқлаш ва уни қандай усул ва воситалар билан амалга ошириш мумкинлигини тушуниш учун зарурдир.

Сўроқ қилиш ўзаро мулоқот шакли сифатида ҳамкорлик ёки қарама-қаршилик ва психологик кураш йўсинида ўтиши мумкин. Баъзан сўроқда бошқа шахслар (таржимон, педагог, мутахассис ва ш.к.) ҳам иштирок этишлари мумкин. Бунда ахборот айирбошлаш, ўзаро таъсир кўрсатиш, бир-бирига баҳо бериш, нуқтаи назарларни шакллантириш содир бўлади. Бу ерда сўроқни ўтказиётган шахс етакчи роль ўйнаши лозим⁵².

⁴⁸ А.К. Закурлаев И.Р.Астанов, Д.Базарова ва б.қ. Криминалистика. Дарслик.– Тошкент: ТДЮУ, 2015. – 300 б. Тошкент – 2015

⁴⁹ О.Я.Баев Тактика следственных действий: учебное пособие /. – М Юрлитинформ, 2018..

⁵⁰ Н.Н.Егоров ва Е.П.Ищенко Криминалистика Часть 1 Москва Юрайт 2019

⁵¹ И.В.Александров Криминалистика тактика и методика Москва Юрайт 2019

⁵² А.К. Закурлаев И.Р.Астанов, Д.Базарова ва б.қ. Криминалистика. Дарслик.– Тошкент: ТДЮУ, 2015. – 300 б. Тошкент – 2015

Сўроқ қилиш тергов ҳаракати ўтказишнинг энг муҳим ва дастлабки тактик босқичи сўроқ қилиш тергов ҳаракатига тайёргарлик кўриш тактикасидир. Айнан мазкур тактик босқичда терговчи сўроқ қилинадиган шахсни ўрганиши, керакли ҳужжатларни тайёрлаши, сўроқ қилинадиган шахс билан психологик алоқа ўрнатиш учун зарур ҳолатларни инобатга олиб, тўлиқ ўзлаштириб олиши муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Терговчи Жиноят процессуал кодекси нормалари ҳамда криминалистика тавсияларига риоя қилган ҳолда, сўроқни ўтказиш тартибини белгилайди, бошқа шахсларнинг ҳаракатларини, уларнинг жиноят ишида қай даражада алоқадорлик даражасини текширади, сўроқ қилиш тергов ҳаракатига жалб қилинган процесс иштирокчиларидан тергов қилинаётган жиноят тўғрисида маълумотлар олишни таъминлайди.

Сўроқ қилиш тергов ҳаракатига тайёргарлик кўриш тактикаси оид ҳаракатлар:

- тергов қилинаётган жиноят иши материалларини синчиклаб ўрганиш;
- сўроқ предметини, яъни қайси ҳолатлар тўғрисида кўрсатувлар олиш зарурлигини белгилаш;
- сўроқ қилинувчининг психологик хусусиятларини, унинг феъл-атвори, маънавий-руҳий мўлжалларини, тергов қилинаётган ишга бўлган муносабатини, процесс асосий иштирокчилари, энг аввало айбланувчи (гумон қилинувчи) ва жабрланувчи билан унинг ўзаро муносабатларини ўрганиш;
- иш бўйича тўпланган далилларни ўрганиш, уларга баҳо бериш, уларни сўроқ қилиш жараёнида фойдаланиш учун тайёрлаш;
- иш бўйича тўпланган далилларни ўрганиш, уларга баҳо бериш, уларни сўроқ қилиш жараёнида фойдаланиш учун тайёрлаш;
- сўроқда қонунда назарда тутилган шахслар ҳимоячи, педагог, таржимон, мутахассис ва бошқаларни иштирок этишини таъминлаш;
- нутқли ахборотни қайд этиш техник-криминалистик воситаларининг тайёрлигини текшириш.

Сўроқ қилинаётган шахслардан содир этилган жиноят иши юзасидан имкон қадар тўла ва ҳаққоний иш ҳолатларига мос келувчи кўрсатувлар олишга ҳаракат қилиб, терговчи тактик мулоҳазаларга кўра юз берган воқеа тафсилотларидан хабардорлигини маълум вақтгача ошқор қилмайди, ўзи сўроқнинг мазкур босқичида фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаган маълумотларни сўроқ қилинувчига маълум қилади.

Бундан ташқари сўроқ қилиш тергов ҳаракатининг яъна бир муҳим тактикасидан бири унинг коммуникатив томони яъни психологик алоқа ўрнатиш муҳим бўлиб бунда сўроқ қилиш тергов ҳаракатини ўтказиш учун қулай психологик муҳит, ўзаро тил топиш, унумли мулоқот қилишга интилиш алоҳида роль ўйнайди.

Психологик алоқа ўрнатишга терговчининг киришимлилиги, унинг одамлар билан тил топа билиш, сўроқ қилинувчиларнинг алоҳида хусусиятлари ёши, ривожланиш даражаси, феъл-атвори, тергов қилинаётган ишга бўлган муносабати,

кайфияти ва ҳаказоларни ҳисобга олиш, уларда ҳаққоний маълумотлар бериш ниятини пайдо қилиш қобилияти ва кўникмалари ёрдам беради.

Сўроқ қилиш тергов ҳаракатига жалб қилинган шахсларнинг кўрсатувидаги маълумотлар уларнинг онгида қайта тикланганлиги сабабли уларнинг ҳажми ва сифати объектив ва субъектив омиллар билан белгиланади. Предмет ва ҳодисаларни етарлича тўла ва аниқ идрок қилишга зехннинг нормал шароити етарлича қулай бўлмаслиги каби объектив омиллар таъсир кўрсатади.

Жиноят ишини текшириш жараёнида тўпланган маълумотлар, ашёвий далиллар ўтказилган тергов ҳаракатларининг натижалари Ўзбекистон Республикаси процессуал қонуни асосида расмийлаштирилиши лозим.

Сўроқ баённомаси умумий тергов ҳаракатларининг баённомаси каби кириш, асосий ва яқунловчи қисмлардан иборатдир. Сўроқ ўтказилган жойи, вақти, қандай иш юзасидан кимни сўроқ қилганлиги ва бошқа маълумотлар баённоманинг кириш қисмида акс эттирилади.

Сўроқ жараёнида баённома юритиш билан бир қаторда овозни ёзиб олиш ва видеоёзувга олиш ҳам қўлланилиши мумкинлиги жиноят-процессуал қонуни билан рухсат этилган. Сўроқ қилиш давомида қўлланилган фонограмма ва видеоёзув баённомага илова қилинади.

Сўроқ қилинувчи шахслардан олинган маълумот баённомага биринчи шахс номидан ёзилиши ва имкони борича сўзма-сўз саводли, тушунарли ва ўчирувларсиз бўлиши, саволлар ва уларга олинган жавоблар қандай шаклда бўлса шундайлигича акс эттирилиши лозим. Сўроқ баённомаси тушунарли ва кўрсатув берувчининг тилига яқинроқ бўлиши зарур. Баённомада гувоҳга ёки айбланувчига ноъмалум бўлган атама ва жумлалар ишлатилмаслиги лозим.

Хулоса

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, содир этиган жиноятларни тез ва тўла очишда криминалистик тактикадан фодаланиш жиноятларни тергов қилишда сўроқ қилиш тергов ҳаракатини жиноят-процессуал кодекси нормаларига риоя қилган ҳолда амалга ошириш натижасида жиноят иши учун муҳим ва таалуқли бўлган далилларни қўлга киритилиши ва олинган ва тўпланган далилларнинг қонуний асосли мақбул бўлишига юқори сифатли ва пухта амалга оширилган дастлабки тергов судга жиноят ишини тўғри кўриб чиқилишига, судланувчининг айбдорлиги ёки айбсизлигини аниқлаш, тегишли жазони белгилашга имкон бериб қонуннинг тўғри татбиқ этилишини кафолатлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Рустамбоев М.Х, Никифорова Е.Н "Хуқуқни муҳофаза қилиш органлари" Дарслик Тошкент 2005 йил
2. А.К. Закурлаев И.Р.Астанов, Д.Базарова ва б.к. Криминалистика. Дарслик.- Тошкент: ТДЮУ, 2015. – 300 б. Тошкент – 2015

3. Криминалистика. Муаллифлар жамоаси. Дарслик. Т.Р. МИРЗАЕВ А.Ф. Абду мажидов Р.А. Алимова ва бошқалар Т., «Fan va texnologiya» нашриёти, 2005
4. О.Я.Баев Тактика следственных действий: учебное пособие /. - М Юрлитинформ, 2018..
5. 4. Литвинов М. В. Пробелы в теории и тактике допроса // Вестник КРУ МВД России. 2015.
6. Крыжановская Л. М. Основы криминалистической тактики // Теория и практика общественного развития.
7. Н.Н.Егоров ва Е.П.Ищенко Криминалистика Част 1 Москва Юрайт 2019 год
8. И.В.Александров Криминалистика Тактика и Методика Учебник Москва Юрайт 2019 год
9. Л.Я.Драпкина Криминалистика Част 2 Учебник Москва Юрайт 2019 год